

1. Феълнинг семантик ва грамматик белгилари.
2. Феъл ясаши.

Феъл барча тилларда ҳам фаол бўлган сўз туркумларидан биридир.

Феъл семантик доираси кенг, лекин, асосан, иш-харакат ҳамда иш-харакат тасаввурини берадиган холатни англатади, яъни бармак, келмўк каби феъллар иш-харакатни, кўрмўк, ешитмўк ойламак феъллари эса холатни билдиради.

Феъл туркумига бир неча морфологик категориялар хосдир: функционал формалар, бўлишли-бўлишсизлик, нисбат, тусланиш, майл ва замон.

Феъл аспектлари. Айрим адабиётларда феъл аспектларига мумкинлик ва номумкинлик шакллари ҳам киритадилар. Аслида мумкинлик-номумкинликни хосил қиладиган грамматик шакллар (формалар) йўқ, балки бундай семантика кўшма феъллар орқали хосил қилинади. Масалан, тарта алар – тарта алмас.

Феълнинг бўлишли ва бўлишсиз шакллари феъл аспектлари категориясини хосил қилади, чунки бўлишсизлик –ма//–мў аффикси орқали хосил қилинади ва бу аффиксни олмаган сўз билан оппозицияга киришади: барма, келтўрмў ва бошқалар.

Ўтимли ва ўтимсиз феъллар хақида. Ўзбек тилида унинг тарихий тараккиётдан катъи назар бундай морфологик категория мавжуд бўлмаган, балки феълнинг тушум келишигидаги сўз билан боғлана олиши қобилияти унинг семантик хусусиятидир. Демак, ўтимлилик ва ўтимсизлик феъл шаклига эмас, балки у феълнинг семантик хусусияти билан боғланади.

Феълларнинг ясаши. Феълдан бошқа туркумлардан сўз ясовчи аффикслар орқали феъл ясаши мумкин:

-ла/-лў аффикси. Бу аффикс барча даврларда ҳам фаол қўлланган. От, сифат, сон, равиш, баъзан олмош туркумларидан феъл ясаган. Туркий ва туркий бўлмаган сўзларга ҳам қўшилган: Тўш-тўштин пычаклаб, чапулаб пўраладылар (Бобурнома). Бир кўн намўзи пешинни гузарлады...(Нав. Нас.мух.).

-да/-дў аффикси. Бу аффикс –ла/-лў аффиксининг фонетик вариантыдир. Эски ўзбек тилида сонор ундошлардан сўнг қўлланган: Пўдшўх бу гулўмны индўди (Таф.). Йолдаса бу йолда Низўмий йолум// Колдаса Хусрав билў Жўмий колум (Хамса).

-а/-ў аффикси. От туркумидаги сўзлардан феъл ясаган: Тунўди лўшкўр анда (ШН). Ашларыни ашаб ва йашларыны йашаб, аталары кейнидин кетди (Ш.тар.).

-й/-ай аффикси. Сифатдан феъл ясаган: Ул фақыр кашыда улгайыбдур (Навоий). Барча сагайтланыб атландылар (ШН).

-р/-ар/-ўр аффикси. Сифатдан феъл ясаган: Бу навъ кара кўн ичрў карыб// Йўники кара кўн мў акарыб (Навоий). Кўкўргўн йыгачларны| барчасы (Ш.тар.).

-кар/-кўр аффикси. Отдан феъл ясаган: Таг тузны тўн-у кўн башкарыб// Хайалны йол акбасыдын ўткўриб (Хамса).

-к/-к, -ык/-ик, -ук/-к аффикси. От ва бошқа туркумлардан феъл ясаган: Либўсы рўин билмўн, йолукса, хайраттын (Лут.). Ким йагыкса шўхи Шайабўнийга (ШН).

-са аффикси. Отдан феъл ясаган: Дилрабў, ўби хайат ерни| чўн жўн сусады (Лут.).

-сын аффикси. От ва сифатдан феъл ясаган: Йыгламсынур –у кўзигў келмўс йаш (Навоий).

**Таянч тушунчалар:**

Феъл – иш-харакат ва холат билдирувчи сўзлар туркумини ифодалайди.

Феъл аспекти – бўлишили ва бўлишсизликни англатади.

Феъл ясалиши – бошқа туркумлардан сўз ясовчи аффикслар оркали феъл ясалиши жараёни.